


IMPACT FACTOR 9.2

MIASTO, PRZYSZŁOŚCI



*Open-Access , Peer-Reviewed, Monthly, Indexed
Research Journal from **Poland***

WWW.MIASTOPRZYSZLOSCI.COM

Table of Content - Volume 30 (Dec 2022)

No	Paper Title	Author Name	Page No
22	Гидродинамика Неподвижного Слоя Полидисперсного Зернистого Материала	Худойбердиева Н. Ш	69-72
23	МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ	Джураева Раъно Бахромбековна	73-74
24	Ўзбекистонда Транспорт Ва Коммуникация Тизимининг Ривожланиш Тарихи	Саидусмонов. Б. А	75-77
25	The Role of Cognitive Processes in Learning Foreign Lexical Units	Mukhtarov Mukhiddin Mansur o'g'li	78-81
26	Ellipsis in the Auxiliary Verb Constructions in the English and Uzbek Languages	Yunusova Hilola Ravshan kizi	82-84
27	Ingliz Va O'zbek Tilida Subyektiv Baho Ifodalanishining Usul Va Vositalari	Husanova Nilufar Saydulloyevna, Xikmatillo Hayitboevich Do'stmatov	85-87
28	Savodxonlikni Oshirish Jarayonida Aktdan Foydalanish	Komilova Zulxumor Xokimovna	88-90
29	Development of Artistic Gymnastics and its Types	Sultanova Diana Bakhodir qizi	91-93
30	Small Business Development and Increase Financial Efficiency of Enterprises	Aziza Tokhirovna Akhmedova	94-96
31	Empirical Study of the Normative Behavior of a Consultant	Daukeeva Aydin Oralbaevna,	97-100
32	Etymological Analysis of Proverbs in English Language	Uktamova Mohigul Khamidullo-kizi	101-104
33	The Credit Module System and the Theory of Teaching English in it	SH. Maxammadjonova	105-106
34	Isitilmaydigan Issiqxonada Shirin Qalampirni Maqbul Ekish Sxemasini Aniqlash	Xolmamatov Jamshid Jumaqulovich, G'ofurova Mashhura Saydullo Qizi, Xushboqova Marjona Sobirjon Qizi, Namozova Munisa Olimjon Qizi, Samikova Ozoda Ulug'bek Qizi	107-110
35	She'riyat Va She'riy Tarjima	Turdiyeva Nargiza Eshdavlatovna	111-114
36	Фаунистическое И Экологического Особенности Кровососущих Клещей Аридной Зоны Узбекистана	Холиқов Махаматжон Йигиталиевич, Ёқубов Абутолиб Ахмадали ўғли	115-123
37	Когнитивные Единицы Языка Как Объект Исследования Современного Русского Языка	Саминжонова Шахноза Нумановна	124-125
38	Ingliz Va O'zbek Tillarida Publitsistik (OMMABOP) Uslubning O'Ziga Xos Xususiyatlari	Axmadjonova Shahnoza Tolibjon Qizi	126-128
39	Technology of Problem Learning as a Tool for the Development of Students' Independent Work	Sitora Haydarovna Sharipova	129-130
40	Formation of Distance Elective Classes in Mathematics for Secondary School Students	Kodirov Komiljon Raximovich, Mamatkodirov Mahammadali Mamatisakovich	131-132

Ўзбекистонда Транспорт Ва Коммуникация Тизимининг Ривожланиш Тарихи (Тошкент Виоляти Мисолида)

Саидусмонов. Б. А.¹

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда транспорт ва коммуникация тизимининг ривожланиши, Ўзбекистонда автомобиль транспорти, темир йўл тизимини ривожланиши, йўл қурилишини комплекс ривожлантириш, транспорт ва коммуникация тизимини такомиллаштириш, автомобиль транспорт тизимини ривожланиши, йўловчи ташиш тизими, юк ташиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, Тошкент вилоятида транспорт ва коммуникация тизимининг шаклланиши ва таракқиёт босқичлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: давлат, республика, вилоят, туман, шаҳар, транспорт, коммуникация, поезд, автомобил, машина, трактор, темир йўл, автомобил йўл, завод, кархона, йўловчи ташиш, қишлоқ хўжалиги.

КИРИШ

Давлатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи соҳаларни икки туркумга ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчиси, фойда олиш учун қулай бўлган соҳалар. Иккинчиси, мажбурий ривожлантириш шарт бўлган соҳалар. Ҳар бир давлат ўз имкониятлари, объектив ва субъектив ҳолатларини инобатга олиб, ўзига қулай бўлган бир ёки бир нечта соҳаларни иқтисодий фойда олиш манбаига айлантирган.

Келажакда Ўзбекистон ҳам транспорт соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириб жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгалласа ажаб эмас. Зеро, Ўзбекистонда бугунги давлат сиёсати бунга ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар яратмоқда. Ушбу имкониятлар бизга макон-вақт мезони нуқтаи назаридан Тошкент вилояти мисолида транспорт ва йўл қурилиши тизими ривожланиши, транспорт ва йўл қурилиши тизими ривожланиши босқичларига таъсир этувчи сабаб, зарурият, объектив ҳамда субъектив омилларни ўрганилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда транспорт ва коммуникация тизимининг ривожланиши ва аҳамияти, йўл қурилиши, йўловчи ташиш, юк ташиш тизимининг такомиллашуви, логистика билан боғлиқ жиҳатлари Ўзбекистон ва хорижий олимлар томонидан ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Транспорт тизими ривожини коммуникациясиз яъни йўл қурилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса транспорт тизими билан йўл қурилиш соҳасини чамбарчас яъни параллел равишда ривожлантиришни тақозо этади. Тадқиқот жараёнида транспорт ва коммуникация тизими ривожланишига таъсир этувчи турли хил омилларининг айрим жиҳатлари Г.П. Рифицкий, А.Н. Алилов, Н.А. Суворов, Л.М. Медведева, А.Л. Орлов, Д.А. Акимкиналиар У.Тўхтахонов, С. Хўжаев, И.Убайдуллаев, И.Аббасов, Ғ.Захритдинов, Л.Аҳметов, Ф.Захритдиновлар томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Транспорт ва коммуникация тизими оптимал ривожланиш усуллари, иқтисодий ва географик ривожланиши билан боғлиқ айрим жиҳатлари Ж.С. Файзуллаев, А.А. Исаев, А.Ў. Қўзиев, О.А.Цамутали, Д.И.Мангельдин, Г.З.Захритдиновлар томонидан докторлик ва номзодлик диссертацияларида тадқиқ этишган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Давлатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи соҳаларни икки туркумга ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчиси, фойда олиш учун қулай бўлган соҳалар. Иккинчиси, мажбурий ривожлантириш шарт бўлган соҳалар. Ҳар бир давлат ўз имкониятлари, объектив ва субъектив ҳолатларини инобатга олиб, ўзига қулай бўлган бир ёки бир нечта соҳаларни иқтисодий фойда олиш манбаига айлантирган. Бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари фойда олиш учун қулай бўлган соҳаларга кўпроқ эътибор қаратаётганини кўрамиз. Республикамизда 1945 йилларнинг бошларида транспорт моддий-техника базаси етарлича ривожланмаганлиги сабабли Тошкент вилоятида транспорт хизмати ниҳоятда паст даражада бўлган. Ушбу йилларда ўлканинг иқтисодий қашшоқлиги боис Тошкент вилоятининг транспорт билан таъминланганлиги даражаси аянчли аҳвол касб этган. Аксарият аҳолининг оғир турмуш кечирганлиги, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарининг камлиги, Тошкент вилоятининг кўпчилиқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланганлиги каби бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли вилоятни транспортга булган эҳтиёж кўрсаткичи паст суъратларни ташкил этган. [1]

¹ Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ, Ўзбекистон

Темир йўл орқали табиий бойликларни ва арзонлиги кучи бўлган пассажирларни ташиш қулай ва иқтисодий самараси юкори булганлиги учун Россия Ўзбекистонда темир йўл қурилишини тез суъратлар билан ривожлантиришга хайрихохлик қилди. Ўзбекистон территориясида темир йўл қуриш ишлари дастлаб 1888 йил Самарқанд станцияси қуриш учун бошланган. “1913 йилда Ўрта Осиё темир йўли ҳозирги чегара бўйича 2711 километр масофани ташкил этади, шундан 1274 километри Ўзбекистон территориясида бўлиб, атиги 26 километrigина Тошкент области бўйлаб ўтарди”.

Ишлаб чиқариш ва халқ хўжалиги соҳаларидаги бундай ўсиш Тошкент вилоятида 1950 йилларнинг бошларида Тошкент-Олмазор Тошкент-Янгийўл Тошкент-Кучлик каби шаҳар атрофида қатнайдиған поезд маршрутларини йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Ўша даврларда транспорт тизимида қулай саналган ва иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланган темир йўл тармоқларидан йўловчи ҳамда юк ташиш ишларида энг кўп фойдаланилган. [2]

1950 йилларнинг бошларида Тошкент вилоятида жуда кўп саноат корхоналари, жумладан, Ангрен иссиқлик электростанцияси, Олмалиқ мис эритиш комбинати, Охангарон-Олмалиқ рудага бой тоғларини ўзлаштириш, Чирчиқ ойна заводи ишга тушди. Бундан ташқари Ангрен, Олмалиқ, Қувасой, Чирчиқ, Бекобод ва Тошкент вилоятининг бошқа шаҳарларида янги саноат корхоналари қурилиш ишлари жадаллаштирилди. Бу эса табиий тарзда Тошкент вилояти транспорт тизимига ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса пассажир ташувчи бир қанча маҳаллий поездлар йўналиши тез ривожланиб борди. Бу ўсиш суърати асосан 1950-1955 йилларда узокқа қатнайдиған, маҳаллий ва шаҳар атрофида қатнайдиған поездларнинг барчасида кузатилган. [3]

Аммо, 1955-1958 йилларда пассажирлар ташиш динамикасига эътибор қаратадиған бўлсак маҳаллий ва шаҳар атрофида қатнайдиған поездларда йўловчилар ташиш миқдори камайганига гувоҳ бўламиз. Чунки, бу давр автомобиль ва ҳаво транспорти тараққий этишида туб ўзгаришлар бошланаётганилиги билан ҳарактерланади. Хусусан, “Тошкент зонасида йўловчилар кам бўлганлиги сабабли 1956 йилда Тошкент-Олмазор, Тошкент-Янгийўл, Тошкент-Кучлик каби шаҳар атрофида қатнайдиған олти жуфт поезд маршрути вақтинча бекор қилинган эди”. [4].

1960 йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт бирмунча яхшиланиши натижасида транспорт тизимида бир қанча ижобий янгиликлар, яъни поезд хиллари ташкил қилиш графикларининг ўсиб бориши, умумий жойларни камайтириб, йўловчиларга қулай булган купели ва юмшоқ ўриндиқли жойларни кўпайтириш, маданий хизмат кўрсатиш даражасининг ўсиши каби бир қанча қулайликлар яратилди. Бу эса, айниқса, Тошкент вилоятида транспорт тизимининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиб, шаҳар атрофида қатнайдиған поездларга йўловчилар ташишнинг ортишига сабаб бўлди. 1961 йилга келиб пассажир ташиш кескин ўсди ва 1965 йилда маҳаллий поездларда 145 процентга, шаҳар атрофида қатнайдиған поездларда 222 процентга етди. [5]

1966-1980 йилларда Тошкент вилояти транспорт йўллари ва транспортга хизмат кўрсатиш коммуникациясида кўзга кўринадиған ишлар амалга оширилган. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ўсиши, меҳнаткашлар моддий ва маданий ҳаётининг яхшиланиб бориши натижасида 1966-1990 йиллар Тошкент вилояти транспорт тизими шаклланишида ўзига хос ўсиш даври бўлди. 1966-1980 йилларда Тошкент вилояти транспорт тизимида вагонларни электрлаштирувчи қурилмалар ишга туширилиши ушбу даврда соҳада ижобий натижалар қайд этилишига олиб келди. [6]

Тошкент вилоятида 1945-1990 йиллар транспорт турлари шаклланиши хусусияти, объектив-субъектив сабаблари, ривожланишидаги ўзига хослиги, ўсиш кўрсаткичидаги динамик ўзгаришлар ва бошқа бир қатор жиҳатларини ҳисобга олинди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ушбу имкониятлар бизга макон-вақт мезони нуқтаи назаридан Тошкент вилояти мисолида транспорт ва йўл қурилиши тизими ривожланиши, транспорт ва йўл қурилиши тизими ривожланишига таъсир этувчи сабаб, зарурият, объектив ҳамда субъектив омилларни ўрганилди. Тошкент вилоятида транспорт ва унинг коммуникациясини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш, назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, монополиядан чиқариш, хусусий сектор корхоналарини жалб қилиш ва инвестицион жозибадорликни ошириш ҳисобига соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, йўл қурилишига инновацияларни кенг жорий этиш масалалари Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этмоқда.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES

1. Саидусмонов Б.А. Тошкент вилоятида транспорт ва коммуникация тизимининг ривожланиши. Academic research in educational sciences. Volume 3, issue 5. 2022. -Б.1299-1304.
2. Убайдуллаев И.Аббасов, ЗахриддиновҒ. Ўзбекистон транспорти.
3. Саидусмонов Б.А.Тошкент вилоятида транспорт турлари шаклланишининг тарихий босқичлари. Oriental renaissance: innovative, education, natural and social sciences scientific journal. Volume 2, issue 5. 2022. -Б.498-506
4. Жаҳонгиров, Б. Б. (2016). НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА С ЗАРУБЕЖНЫМИ СТРАНАМИ. *Наука и образование: проблемы и тенденции развития*, (1), 18-20.

5. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 1058-1065.
6. Жаҳонгиров, Б. Б., & Турғунов, Т. А. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 1010-1021.
7. Жаҳонгиров, Б. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯПОНИЯ БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1), 312-318.
8. Жаҳонгиров, Б. Б. (2020). Научно-технические связи Узбекистана с зарубежными странами. *Бюллетень науки и практики*, 6(8), 284-288.
9. Жаҳонгиров, Б. Б. (2021). Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(2).
10. Жаҳонгиров, Б. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ИЛМ-ФАН СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 986-994.
11. Жаҳонгиров, Б. Б., & Бўронов, А. Б. Ў. (2021). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 372-379.
12. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИЛМИЙ–ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ (илмий-тадқиқот институтлари мисолида). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 823-829.
13. Жаҳонгиров, Б. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ИЛМИЙ ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 1058-1065.
14. Джахангиров, Б. Б. (2022, November). МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ НАУКИ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 3, pp. 15-19).